

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**389** Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида

Мустақиллик йилларида халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданиятини тиклаш, буюк алломаларимиз, азиз-авлиёларимизнинг илмий, диний ва маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, муқаддас қадамжоларини обод қилиш, ёш авлодни уларнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича улкан ишлар амалга оширилди ва изчил давом эттирилмоқда.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

Айни вақтда маънавий-маърифий соҳадаги ислохотлар самарасини ошириш зарурати бу йўналишдаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни талаб этмоқда. Бу борада нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон миқёсида ғоят ноёб ҳисобланган, ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган қўлёзмалар фондига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, шунингдек, қадимий ёзма манбалар фондига эга бўлган муассасалар фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, ушбу нуфузли илмий-тадқиқот муассасалари олдида қўлёзмаларни сақлаш, таъмирлаш, мавжуд фондларни бойитиб бориш, тарихий манбалар билан ишлаш учун маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларга қулай шароитлар яратиш, тарихий-маданий меросимиз намуналарини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг жаҳон илм-фани ва цивилизацияси ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини тарғиб этиш, шу асосда юртдошларимиз, аввало, ёш авлодимизни халқимизнинг буюк маънавий меросига ҳурмат, она юртимизга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган ишларнинг натижадорлигини тубдан ошириш бўйича долзарб вазифалар турганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ана шу вазифаларни самарали ҳал этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университетининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтини (кейинги ўринларда Институт деб аталади) қадимий қўлёзмалар, тарихий-маданий аҳамиятга эга бўлган замонавий ёзма манбаларни сақлаш, ўрганиш, илмий асосда тадқиқ этиш ва тарғиб қилиш бўйича мамлакатимиздаги етакчи илмий-тадқиқот муассасаси этиб белгилаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Институтнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Шарқ қўлёзмалари фондидини сақлаш, таъмирлаш, бойитиш ва муайян тизимга келтириш, араб ёзувидаги турли мавзуларга оид ёзма ёдгорликлар ва эпиграфика намуналарини тадқиқ қилиш, уларни асл ҳолида ҳамда ўзбек ва хорижий тилларда илмий изоҳлар, таржималар билан нашр этиш, илмий муомалага киритиш;

бой тарихий, илмий, маънавий-интеллектуал меросимизни сақлаш, илмий таҳлил қилиш, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида соҳа мутахассисларига, тегишли таълим йўналишларида таҳсил олаётган ўқувчи ва талабаларга батафсил маълумот бериб бориш, буюк аллома ва мутафаккирларимиз асарларини дунё ҳамжамияти ўртасида кенг тарғиб этиш, замонавий илм-фан, маънавият ва амалиёт ривожига ундан самарали фойдаланиш ва келгуси авлодларга етказиш;

аҳолида сақланаётган қадимий ноёб қўлёзмалар, чет эл фондларидаги мавжуд асарлар нусхаларини айирбошлаш ёки олиш ҳисобидан Институтнинг қўлёзма ва ёзма манбалар фондидини бойитиб бориш;

ўрта асрларда ҳозирги Ўрта Осиё ҳудудида яшаб ижод қилган аллома ва мутафаккирларнинг математика, астрономия, физика каби аниқ фанлар,

медицина, кимё, география сингари табиий фанлар, тарих, адабиёт, фалсафа ва бошқа ижтимоий фанлар, ислом дини ва илоҳиётга оид меросини тадқиқ қилишни кенгайтириш ва чуқурлаштириш;

матншунослик, адабий манбашунослик, тилшунослик, фалсафа, маданият тарихи соҳаларида миллий маданий меросимизнинг ҳали ўрганилмаган кўпгина қатламларини очиб беришга йўналтирилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратиш;

Тошкент давлат шарқшунослик институти, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети каби мазкур соҳада фаолият кўрсатадиган олий таълим муассасалари билан биргаликда қўлёзмалар билан ишлаш малакасига эга бўлган ёш мутахассисларни режа асосида мақсадли тайёрлаш ва Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий-тадқиқот фаолиятига жалб қилиш;

Тошкент давлат шарқшунослик институти, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети сингари олий таълим муассасаларининг ихтисослик кафедралари битирувчилари ҳисобидан Институтнинг кадрлар таркибини янгилаб бориш, қўлёзмалар билан ишлаш кўникмасига эга бўлган ёш кадрлар захирасини шакллантириш;

хорижий Шарқ мамлакатлари тарихи, ривожланиш босқичлари, ҳозирги кунда ушбу давлатларда кечаётган сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнларни уларнинг Ўзбекистон Республикаси билан икки томонлама ва кўп томонлама муносабатлари нуқтаи назаридан ўрганиш;

Ўзбекистон Республикасининг турли ташкилотларида сақланаётган араб ёзувидаги қўлёзма асарлар, тошбосма китоблар ва тарихий ҳужжатларнинг сақланиш ва таъмирланиш ҳолатини мониторинг қилиш ва уларнинг электрон базасини яратиш.

3. Қуйидагилар Институт фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

Институтни сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун ажратиладиган бюджет маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги томонидан ўтказиладиган танловларнинг натижалари бўйича ажратиладиган грантлар, жумладан, мақсадли грантлар;

тадбиркорлик фаолиятидан, жумладан, ноширлик фаолиятидан тушадиган маблағлар, халқаро молиявий институтлар, хорижий ташкилотлар, донор мамлакатлар ва ташкилотларнинг грантлари, шунингдек, ҳомийлик хайриялари ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг мамлакатимизда турли манбаларда сақланаётган ноёб ва қимматли қўлёзма асарлар, тошбосма китоблар ва тарихий ҳужжатларни аниқлаш ва таҳлил қилиш, шунингдек, аҳолида сақланаётган шундай китобларни сотиб олиш ва Институтда жамланилишини таъминлаш мақсадида экспертлар гуруҳи ҳамда комиссия тузиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

## 5. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондини аҳолида сақланаётган ноёб қўлёзма, тошбосма китоблар ва тарихий хужжатлар ҳисобига бойитиш бўйича экспертлар гуруҳи (кейинги ўринларда Экспертлар гуруҳи деб аталади) таркиби 1-иловага мувофиқ;

Аҳолида сақланаётган қўлёзма, тошбосма китоблар ҳамда тарихий хужжатларни баҳолаш ва сотиб олиш бўйича комиссия (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) таркиби 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондидаги 2017 — 2021 йилларда нашр этилиши режалаштирилаётган қўлёзма асарлар рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

## 6. Белгилаб қўйилсинки:

аҳолида сақланаётган ноёб қўлёзма, тошбосма китоблар ва тарихий хужжатлар Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси (кейинги ўринларда Давлат комиссияси деб аталади) томонидан белгиланган тартибда тасдиқланадиган Низомга асосан харид қилинади;

Экспертлар гуруҳи ҳамда Комиссиянинг тегишли хулосалари, аҳолида сақланаётган, сотиб олиниши режалаштирилаётган ноёб қўлёзма, тошбосма китоблар ва тарихий хужжатлар рўйхати, шунингдек, уларни харид қилиш бўйича тавсия этилган нархлар Давлат комиссияси томонидан тасдиқланишга асос бўлади;

қадимий ёзма манбалар билан ишлашнинг ўзига хос мураккаб хусусиятларини, бу иш юқори илмий малака ва кўникмаларни талаб қилишини инobatга олиб, Институтнинг қадимий қўлёзмаларни реставрация қилиш ва сақлаш билан шуғулланувчи ходимларининг ойлик иш ҳақига 30 фоиз миқдорда қўшимча устама ҳақ тўланади.

## 7. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси:

бир ой муддатда Экспертлар гуруҳи ва Комиссия тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

икки ой муддатда Институт фаолиятини такомиллаштиришга оид аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Институтда сақланаётган қадимий қўлёзмалар энг замонавий халқаро стандартларга мувофиқ сақланиши ва босқичма-босқич реставрация қилинишини таъминлаш учун 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ижтимоий соҳага ажратилган маблағлар доирасида маблағ ажратсин, 2018 йилдан бошлаб ана шу ишлар учун зарур маблағни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Институтдаги фото ва реставрация лабораторияларини замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда Институтда Шарқ қўлёзмалари музейини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

10. Белгилаб қўйилсинки:

Институт фондида сақланаётган қадимий қўлёзмаларни босқичма-босқич реставрация қилиш учун зарур реактивлар ва сарфланувчи материалларни сотиб олиш ҳамда Институтнинг фото ва реставрация лабораторияларини замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун маблағлар Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан ўрнатилган тартибда ажратилади;

Институтда Шарқ қўлёзмалари музейини ташкил этиш ва уни жиҳозлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади.

11. Давлат комиссияси Институтда ноёб қўлёзма асарларни ўрганиш бўйича ишларни ташкил этиш учун илмий жиҳатдан асосланган тадқиқотларга ҳар йиллик давлат буюртмаси ўрнатилган тартибда тасдиқланишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги Давлат комиссияси томонидан ҳар йили тасдиқланадиган давлат буюртмасида белгиланган илмий тадқиқотларга давлат илмий-техника дастурлари доирасидаги илмий-техник лойиҳаларга ажратиладиган бюджет маблағлари ҳисобидан мақсадли грантлар ажратилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фан ва технологиялар агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Юнусходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 24 май,  
ПҚ–2995-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 24 май  
ПҚ-2995-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг  
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти  
фондини аҳолида сақланаётган ноёб қўлёзма, тошбосма  
китоблар ва тарихий ҳужжатлар ҳисобига бойитиш  
бўйича экспертлар гуруҳи  
ТАРКИБИ**

- Қосимхонов Б. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди мудир, *Экспертлар гуруҳи раиси*
- Бобожонов Б. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, *Экспертлар гуруҳи раиси ўринбосари*
- Лутфуллаев Ҳ. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти лойиҳа раҳбари
- Аминов Ҳ. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти лойиҳа раҳбари
- Қориев О. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти лойиҳа раҳбари
- Муҳаммадаминов С. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти лойиҳа раҳбари
- Жуманазаров А. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими
- Пўлатов Ш. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти бўлим бошлиғи
- Умрзоқов Б. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими
- Раҳимов К. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими
- Абдуллаев Б. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими
- Исмоилов М. — Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти

- Булдаков И. — Тошкент давлат Шарқшунослик институти назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи
- Исомов А. — Тошкент давлат Шарқшунослик институти «Мумтоз филология» кафедраси ўқитувчиси

*Изоҳ: экспертлар гуруҳи аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда Экспертлар гуруҳи таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариши юкланган шахслар киритилади.*

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 24 май  
ПҚ–2995-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Аҳолида сақланаётган қўлёзма, тошбосма китоблар ҳамда тарихий  
ҳужжатларни баҳолаш ва сотиб олиш бўйича комиссия  
ТАРКИБИ**

- Абдуҳалимов Б. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, *комиссия раиси*
- лавозимига кўра — Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори, *комиссия раиси ўринбосари*
- Қосимхонов Б. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди мудир, *комиссия раиси ўринбосари*
- Каримова С. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ишлар бўйича директор ўринбосари
- Ҳасанов М. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими
- Юсупова Д. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими
- Бўриев О. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими
- Фуломов С. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими
- Уватов У. — Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори
- Зиёдов Ш. — Имом Бухорий халқаро илмий маркази директори
- Насруллаев Н. — Тошкент ислом университети қўлёзмалар хазинаси мудир

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

- Ҳасанов С. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи директори
- Мансуров А. — Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари
- Салимов М. — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси бўлими мудири
- Исмоилов М. — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети доценти
- Исакова М. — Марказий давлат архиви бўлим бошлиғи
- Исанов У.Х. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси юристи

*Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда комиссия таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.*



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2017 йил 24 май ПҚ-2995-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик  
институтини фонддаги 2017 — 2021 йилларда нашр этилиши режалаштирилаётган қўлёзма асарлар  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Манбанинг номи	Нашр шакли	Изоҳлар
<b>I. ТАРИХ</b>			
1.	«Иншо» тўпламларидаги Амир Темур-нинг хатлари	Ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима	Ушбу хатларда Амир Темур давлатининг дипломатик муносабатлари тарихи акс этган
2.	Фосиҳ Хавофий. «Мужмал-и Фасиҳий» (Фасиҳий тўплами)	Ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима	Асар хронологик тартибда тузилган бўлиб, Темурийлар давридаги муҳим воқеаларни ва Марказий Осиёдаги машҳур шахсларнинг таржимаи ҳолларини қамраб олади
3.	Номаялум муаллиф. «Таърифи Хоразм» (Хоразм таърифи)	Матннинг илмий-изоҳли таржимаси	Ушбу асар Хоразм тарихининг қадим замонлардан буён то мўғуллар истилосигача бўлган даврдан иборат. У ўз ичига йриқ шаҳарлар, мадрасалар, масжидлар, олимлар, қорилар, бозорлар, савдо дўконлари, ўша даврда Хоразмда амалда бўлган хунар-мандчиликнинг барча турлари ҳақидаги маълумотни қамраб олади
4.	Амир Абдулаҳад. «Рўзномайи сафари Фитирбург»	Илмий-изоҳли таржима	Бухоро амири Абдулаҳаднинг 1893-1894 йиллардаги Петербург сафари кундалиги
5.	Амир Абдулаҳад. «Рўзномайи сафари чаҳоруми Фитирбург»	Илмий-изоҳли таржима	Бухоро амири Абдулаҳаднинг 1907 йилдаги Петербург сафари кундалиги
6.	Истаҳрий (Х аср). «Масолик ал-мамолик» (Йўллар ва мамлакатлар)	Араб тилидан ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима	Китобда ўша давр мусулмон олами 20 та географик иқлимга тақсимланган ҳолда тавсифланган
7.	Муҳаммад Амин Бухорий (XVII асрнинг охири — XVIII асрнинг боши). «Муҳит ат-таворих»	Форс тилидан ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима	Ушбу асар умумий тарихга бағишланган бўлиб, Аштархоний Субҳон Қулхон (1680 — 1702) ҳукмронлиги давридаги Бухоро тарихи билан тугалланади. Китобнинг охири шу даврнинг етуқ арбоблари, ёзувчилар, шоирлар ва рассомларнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган
8.	Абдуллажон Насимий. «Мажма ал-хаводис» (Ҳодисалар мажмуаси)	Эски ўзбек тилида. Табдил сўзбоши, изоҳли кўрсаткич билан нашрга тайёрлаш.	1918 — 1922 йилларда Фарғона водийсида бўлиб ўтган миллий озодлик ҳаракати воқеаларини тўғроқ сифатида ёритган

Т/р	Манбанинг номи	Нашр шакли	Изоҳлар
<b>II. ТАБИИЙ ФАНЛАР</b>			
<b>АСТРОНОМИЯ</b>			
9.	Абу Райҳон Беруний (973 — 1048). «Мамарр...» (Ёритийчларнинг ўтиш манзиллари)	Ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима	Самовий объектларнинг олд ёки орқа томонидан ўтувчи ёритийчларнинг манзиллари ҳақидаги рисола
10.	Абу Райҳон Беруний. «Гуррат аз-зиджат» (Зижлар ёдуси)	Ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима	Беруний томонидан санскрит тилидан араб тилига ўгирилган ҳинд астрономияси ҳақидаги рисола
11.	Абу Райҳон Беруний. «Тастиҳ ас-сувар ва табтиҳ ал-кувар» (Картография)	Ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима	Ер юзидagi объектлар ва ёритийчларнинг тасвирлари сатҳларини тузиш ҳақидаги мағмастик рисола
12.	Жамшид Коший (XIV аср). «Зиж-и Хоқоний»	Танқидий матн ва таржима	Улугбек мадрасаси кутубхонаси учун махсус тузилган астрономик жадваллар
<b>ТИББИЁТ</b>			
13.	Абу Райҳон Беруний. «Китоб ас-Сайдана фи-т-тибб» (Табобатда доришнослик)	Илмий-изоҳли таржима	Доришносликка оид асар бўлиб, унда мингдан ортиқ ўсимлик, маъдан ва бошқа моддаларнинг тавсифи ва турли тиллардаги номланиши берилган
<b>III. ФАЛСАФА</b>			
14.	Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий (X аср). «Мафотиҳ ал-улум» (Илмлар қалити)	Араб тилидан рус тилига изоҳли таржима	Ўрта аср илмлари таснифига бағишланган энциклопедик асар
<b>IV. ИСЛОМ ИЛМЛАРИ</b>			
15.	Абу Хафс ан-Насафий (1067 — 1142). «Машорий аш-шаройий» (Диний ҳукмларнинг намуналари)	Матннинг илмий-изоҳли наشري	Ҳанафийлик маъзаби соҳасидаги амалий фикҳга оид классик асар бўлиб, унинг мавжудлиги шу пайтгача номаълум эди. Асар ханафий маъзабига оид фикҳий ҳукмлар тўпламидан иборат
16.	Хусайн Вонз Кошфий. «Мавоҳиби Алийа» (Олиймақом туҳфалар)	Факсимиле кўринишдаги нашр	Ҳазрат Алишер Навоийнинг тошпирига биноан муаллиф томонидан Қуръоннинг барча сураларига ёзилган тафсир. Асарда тафсирдан ташқари XV асрдаги машхур шахслар ва манбаларнинг номлари келтирилган
17.	Номаялум муаллиф. «Дур ал-ажойиб» (Ажойиботлар гавҳари)	Матннинг илмий-изоҳли таржимаси	Асар этиқоднинг ахлоқий ва этик меъёрларини ёритишга бағишланган бўлиб, муаллиф унда маҳаллий олимларнинг асарларига асосланган
18.	Ҳаким ат-Термизий (820 — 930). «Хатм ал-авлийа» (Валийлар муҳри)	Ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима	Асар тасаввуф тарихига, сўфийлар одобининг асосий қоидаларига, шунингдек тасавуф таълимоти ғояларининг ёшларни маънавий-маърифий тарбиясидаги ўрнини ёритишга бағишланган

Т/р	Манбанинг номи	Нашр шакли	Изоҳлар
19.	Ҳаким ат-Термизий. «Масъули макнуна» (Шинҳон масалалар, тушунчалар)	Ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима	Асар тасавуф тариқатлари таълимотининг асосини ташкил этувчи ахлоқий-тарбиявий, диний-маънавий масалаларни ёри-тишга бағишланган
20.	Ҳаким ат-Термизий. «Манҳайат» (Рухсат этилган ва ман қилинган)	Ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима	Асар шариатда рухсат этилган ва ман қилинган ҳукмларга бағишланган
21.	Ҳаким ат-Термизий. «Таҳсил назъир ал-Қуръон» (Қуръон истилоҳларининг лексикологик талқини)	Ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима	Асар қуръоншунослиқда истифода этиладиган истилоҳларнинг лексик-филологик талқинига бағишланган
22.	Собир Термизий. «Девон» (Девон)	Ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима	Ўрта аср шоирининг форс тилидаги шеър ва ғазалларидан таркиб толган
23.	Абу Исо Термизий (IX аср). «Сунан ат-Термизий»	Ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима	Асар мусулмон фикҳининг асосий манбаларидан бири бўлиб, у Пайгамбарнинг айтганлари ва ўзларини тутишларига бағишланган. Ахлоқий-этик ва тарбиявий мазмундаги ҳадислардан иборат тўплам
24.	Абу Исо Термизий. «Тасмиййа асҳоб ар-Расул» (Пайгамбар саҳобаларининг биографияси)	Ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима	Асар Пайгамбар саҳобаларининг таржимаи ҳолларини ёри-тишга бағишланган
25.	Абу Исо Термизий. «Илал ат-Термизий» (Ҳадисларнинг иллатларини аниқлаш қонда-си)	Ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима	Асар ҳадис ровийларининг даражалари ва уларнинг ўзаро боғлиқлик силсиласини ҳамда ҳадис матнини аниқлашга бағишланган
26.	Бурҳониддин ал-Марғиноний (1118 — 1197). «Мухтарат ан-навозид» (Нозил бўлганлардан танлаб олинганлари)	Матн наشري	Асар ҳар бир инсоннинг кундалик ҳаётида учраб турадиган масалаларни ҳанафийлик маҳаби фикҳи нуқтаи назаридан ёри-тишга бағишланган
27.	Бурҳониддин ал-Марғиноний. «ат-Таджнис ва-л-мазид»	Матн наشري	Асар ҳанафийлик маҳзабининг амалий фикҳ соҳасига бағишланган
28.	Фаҳруддин Қозихон (ваф. 1196). «Фатаво-и Қозихон» (Қозихон фатволари)	Матн наشري	Асар ҳанафийлик маҳзабининг амалий фикҳ соҳасига бағишланган